

TARIX VA JAMIYAT

HISTORY AND SOCIETY
ИСТОРИЯ И ОБЩЕСТВО
общественный электронный
ЖУРНАЛ

—
JOURNAL
2022

№3

Бош муҳаррир:

Пардаев А.Ҳ. ЖДПИ, тарих факультети декани, т.ф.н. доцент.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ақчаев Ф.Ш. ЖДПИ, тарих факультети, т.ф.б.ф.д. (PhD), доцент.

Масъул котиблар:

Саидов Ж.О. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Хўжанова М. ЖДПИ, Тарих факультети ўқитувчиси

Таҳририят аъзолари:

1. Сагдуллаев А.С. – тарих фанлари доктори, Академик,
2. Аҳмедшина Ф.А. – тарих фанлари доктори, профессор,
3. Шодмонова С.Б. – тарих фанлари доктори, профессор,
4. Очилова Б.М. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
5. Чориев С. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
6. Туленова Г. Ж. – фалсафа фанлари доктори, профессор,
7. Пардаев М.Ҳ. – тарих фанлари доктори, доцент,
8. Ғойибов Б.С. – тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
9. Ярмагов Р. – педагогика фанлари доктори (DSc), доцент,
10. Саидқосимов А.И. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент,
11. Амануллаев А. – ф.ф.б. фан доктори (PhD), доцент,
12. Тошбоев Ф.Э. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
13. Миркомиллов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент,
14. Саидов М. – фалсафа фанлари номзоди, доцент,
15. Ғофуров Ж. – тарих фанлари бўйича фан доктори (PhD), доцент,
16. Ҳошимхонов М.Х. – ф.ф.б. фан доктори (DSc), доцент
17. Валиев А.Х. – катта ўқитувчи,
18. Мажидов А.С. – катта ўқитувчи,
19. Каримова Н. – ўқитувчи,

**ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ ЯЙЛОВЛАРИДА ҚЎЙЧИЛИКНИНГ РАВНАҚ
ТОПИШИ**

Эшмуҳаматов Ахрор Шарипович

Тошкент давлат шарқшунослик университети докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада тадқиқотчининг тарихий ва этнологик тадқиқотларга таянган ҳолда Жиззах воҳаси яйловларида қўйчиликнинг равнақ топиши билан боғлиқ масалалар ва чорвачиликнинг ушбу соҳасини воҳа аҳолиси ҳаётида кенг аҳамият касб этиши хусусидаги фикр-мулоҳазалари баён этилган.

Калит сўзлар: Сангзор, Зоминсув, Ровотсой, Эшбулоксой, Хўжамушкентсой, воҳа, яйлов, чўпон, пода, тўқли, сароёк қўзи, габа қўзи, тўсох, ишшак, навчари, панж, манг, чанг, нончи қўй, эчки, улоқ, така, серка.

Аннотация: В данной статье, основанной на исторических и этнологических исследованиях, обсуждаются вопросы исследователем, связанные с развитием овцеводства на пастбищах Джизакского оазиса и особо важное значение животноводства для населения оазиса.

Ключевые слова: Сангзор, Зоминсув, Ровоцой, эшбулоксой, Ходжамушкентсой, оазис, пастбище, пастырь, стадо, овца, дворцовый барашек, габа ягненок, тосок, ишшак, навчари, пандж, манг, чанг, овца нончи, коза, козленок, така, серка.

Annotation: This article, based on historical and ethnological research, discusses issues related to the development of sheep breeding in the pastures of the Jizzakh oasis and the importance of this area of livestock in the lives of the population of the oasis.

Keywords: Sangzor, Zominsuv, Rovotsoy, Eshbuloqsoy, Khojamushkentsoy, oasis, pasture, shepherd, herd, lamb, palace lamb, gaba lamb, tosok, ishshak, navchari, panj, mang, chang, nonchi sheep, goat, taka, serka.

Воҳа яйловларида қўйчиликнинг ривожига ҳақида тадқиқот юритар эканмиз, аввало шуни таъкидлаш керакки, Жиззах вилоятининг тоғ олди ҳудудлари, Мирзачўл ва Қизилқумга туташ чўл ва адирликларда хўжаликнинг асосини чорвачилик ташкил этган. Ҳудудда яшаган чорвадорлар хўжалигида эса деҳқончилик катта аҳамият касб этмаган. Қадимдан Морғузлар тоғларининг шимолий ёнбағирларидаги Сангзор, Зоминсув, Ровотсой, Бешбулоксой ва Хўжамушкентсой дарё водийлари ва Нурота тоғи ёнбағирларида чорвачилик тараққий этиб, анъанавий чорвачилик юқори товарлилик характерида сақланиб қолганлиги кузатилади. Жумладан, XIX аср охири – XX аср бошларига оид Н.М.Вирскийнинг тадқиқотларида Жиззах воҳасидаги яйлов

Тарих ва Жамият илмий журнали

майдонлари ва ундан фойдаланиш тартиби ҳақида сўз боради. Унда айтилишича, Жиззах уездининг Янги Қўрғон (ҳозирги Ғаллаорол) волостида 5 та яйлов ҳудуди мавжуд бўлган [1:25]. Биринчи яйлов Ўдамали ва Бўшқўруқ қишлоқлари яқинида жойлашган бўлиб, ушбу ҳудуд Байбул Булоқ, Катта-Булоқ, Оқчағал ва Ўрта Булоқ деган жойлар билан чегарадош бўлган ва майдони 980 десятирани ташкил этган [1:25]. Яйловга Ўдамали ва Қорақишлоқ аҳолиси томонидан жамоавий тарзда авлоддан авлодга ўтиш орқали эгалик қилинган ва фойдаланилган.

Янги Қўрғон волостида тадқиқот олиб борган Н.М.Вирский кузатувлари яна шуни кўрсатадики, яйловнинг табиий чегаралари даралар билан белгиланган бўлиб, майда чашмалар ёнида Ўдамали қишлоғи таркибидан ажралиб чиққан янги Оқчағал қишлоғи жойлашган. Яйловни 1,5 десятиналик бедапоя, иккита жамоавий тарзда фойдаланадиган қудук, 4 та ёзги масжид, бир неча чорва молларини суғорадиган сувлоқлар ва майда булоқлар ташкил қилган. Ушбу ҳудуд 40 йилдан ортиқ вақт давомида Ўдамали қишлоғининг 94 та хонадони ва Қорақишлоқнинг 77 та хонадони учун яйлов ва қўтон вазифасини ўтаб берган. Ҳудуд асосий қисмининг тупроқлари лалмикор деҳқончилик учун қулайлиги, шунингдек чорвалар учун яйлов ва қўтон учун ягона жой ҳисобланганлиги боис жамоа аҳолиси ушбу ерларда бошқа аҳолининг деҳқончилик қилишига изн бермаган. Н.Вирский ўзининг кузатувларига таяниб, ҳудудга қадимдан авлоддан авлодга ўтиш орқали юқорида номлари келтирилган қишлоқ аҳолиси томонидан эгалик қилинаётганлиги, фойдаланилаётганлиги ва тасарруф этилаётганлигини таъкидлаб ўтади [1:25].

Иккинчи дала Моргузар тоғи этагида, Чубар қишлоғи ҳамда ушбу қишлоқдан ажралиб чиққан Тоқли қишлоғида жойлашган бўлиб, у Чубар қишлоғига қарашли 82 хонадоннинг чорва моллари учун ёзги яйлов вазифасини ўтаган. Ушбу яйлов даласи деярли 1200 десятина майдонни эгаллаган бўлиб, уни сой ва булоқлар ёнида Чубар қишлоғига қарашли қўрғончалар, иккита ёзги масжид, қўйлар учун қурилган кўплаб қўтонлар ва булоқлар, маҳаллий аҳоли томонидан қурилган бир неча сувлоқлар ташкил қилган. Ўша даврдаги маҳаллий аҳоли ва теварак-атрофда яшовчиларнинг айтишига қараганда, яйловга қадимдан авлоддан авлодга ўтиш удуми орқали Чубар ва унга қарашли Тоқли қишлоқчаси аҳолиси томонидан эгалик қилинган. Аҳоли томонидан ундан фойдаланилган, тасарруф этилган ҳамда молларни ўтлатиш ва ёзги яйловни ягона ҳудуд сифатида сақлаб қолиш мақсадида бошқа қишлоқ аҳолининг лалмикор деҳқончилик қилишларига йўл қўйилмаган [1:26].

Тарих ва Жамият илмий журнали

Учинчи яйлов Авлиёота қишлоқ жамоасининг Балхи ва Янгичиқлик қишлоқларида жойлашган. Мазкур ҳудуд деярли 670 десятина майдондан иборат бўлган. Маҳаллий ва теварак-атрофдаги аҳолининг айтишига қараганда, мазкур ерга қадимдан авлоддан авлодга ўтиш удуми орқали Балхи қишлоғининг 42 хонадони ва Янгичиқлик қишлоғининг 28 та хонадони эгалик қилган. Ушбу ҳудудда биргаликда жамоа бўлиб фойдаланиш ҳуқуқи амалда бўлган. Аҳолининг икки томонлама келишувига асосан мазкур ерга лалмикор деҳқончилик қилиш учун ишлов бериш таъқиқланган ҳамда ердан чорва моллари учун яйлов сифатида фойдаланилган [1:26].

Тўртинчи ҳудуд деярли 1300 десятина лалмикор майдонни ташкил этиб, Гулқишлоқ қишлоқ жамоасининг Гулқишлоқ, Ўрта ва Кучум қишлоқларида жойлашган ва бу ерлар учала қишлоқ аҳолисининг чорваси учун яйлов вазифасини бажарган. Н.Вирскийнинг кузатувидан маълум бўладики, юқорида келтирилган қишлоқнинг 100 та хонадони ўз чорваларини шу яйловда боққан. Маҳаллий ва теварак-атрофда яшаган аҳоли маълумотларига кўра, лалмикор ер авлоддан авлодга ўтган, унга учта қишлоқ аҳолиси томонидан эгалик қилинган.

Бешинчи яйлов майдони деярли 1400 десятина ердан иборат бўлиб, Қораултепа ва Терс Булоқ қишлоқларида жойлашган ва унинг айрим қисмлари Қанғли ва Авлиё қишлоқларининг суғориладиган ерлари билан туташ бўлган. Маҳаллий аҳоли ва теварак-атрофдаги ер эгаларининг таъкидлашига қараганда, ушбу ер жамоа яйлови бўлиб Қанғли қишлоқ жамоаси таркибига кирган Қанғли-1, Қорақўйли, Сасиқ, Тутли қишлоқлари ва Авлиё қишлоқ жамоаси тасарруфидаги Обиз, Чилламосор қишлоқлари аҳолисининг ёзги яйлови ҳисобланган. Айтишларича, юқоридаги қишлоқ аҳолиси ушбу ердан кўшни қишлоқ аҳли билан 75 йилдан ортиқ вақт давомида биргаликда фойдаланиб келишган ҳамда шериклар ўртасидаги келишувга кўра лалмикор деҳқончиликка йўл қўйилмаган [1:27].

Масалани қизиқ томони шундаки, бугунги кунда ҳам ушбу яйлов далалари ва ундан фойдаланувчи аҳолининг таркиби ўзгармай келаётир, ерлар авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Яйловларнинг тоғ олди текис, техника бора оладиган ҳудудлари собиқ Иттифоқ даврида лалми деҳқончилик учун ўзлаштирилган бўлсада улар чорвадор аҳолининг хўжалик юритишини ўзгартириб юбора олмаган. Чунки тоғ яйловлари бепоён бўлган. Ҳайдаладиган ерларнинг аксарият қисми бугунги кунга келиб яна яйловга айлантирилган.

Дарҳақиқат, қадимдан яйлов ерлари Жиззах воҳасининг асосий қисмини эгаллаган бўлиб, улар маҳаллий аҳолининг иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Шу сабабли аҳолининг ушбу ерлардан фойдаланиш ва унга эгалик қилиш бўйича ўз тартиб-удумлари мавжуд бўлган. Шу ерда истиқомат

Тарих ва Жамият илмий журнали

килувчи аҳолининг одатига кўра яйлов ерлари мулк ҳуқуқи жиҳатидан икки турга, яъни маълум чорвадор ёки чорвадорлар гуруҳи томонидан фойдаланиладиган ва ҳамма томонидан тасарруф этилиши мумкин бўлган яйловларга бўлинган [2:57]. Биринчи турдаги яйловлар ўзининг табиий чегараларига эга бўлган ва улар майдонининг ҳажми кичикроқ бўлган. Иккинчи турдаги яйловлар одатда катта майдонларни ўз ичига олган. Яйловларга нисбатан эгалик ҳуқуқини аниқлашда аксарият ҳолларда қозилик ёки бошқа юридик ҳужжатлардан фойдаланмасдан, балки оғзаки гувоҳлик асосида эгалик қилинган. Жиззах воҳаси чорвадорлари учун қўйлар маҳсулдорлигини ошириш ва уларни саралаб бориш, қўйларнинг ҳолатини яхши билиш ҳамда улардаги ҳар қандай ўзгаришларни аниқлаш муҳим саналган.

Чорвани саралашда унинг ёшини аниқ билишга жиддий эътибор қаратилган. Чўпонлар томонидан қўзиларни энди туғилгани “барра қўзичоқ”, 2 - 3 ойлиги “ширвоз қўзи”, 4 - 5 ойлиги “сароёқ қўзи”, ундан каттароғи “габа қўзи” деб аталган. Қўйлар бир йилгача бўлган даврда умумий ҳолатда қўзи дейилган ва улар наслдорлигига қараб қўй ёки қўчқор учун олиб қолинган, қолганлари бозорга ажратилган. Икки йиллиги “тўқли” дейилган ва уларга наслдор қўчқор қўйиб тўл олишга мўлжалланган. Уч ёшга тўлганларининг урғочиси “тўсоҳ”, эркаги “ишшак” дейилган. Бу ёшда “тўсоҳ” тукқан қўй келажаги бор қўй сифатида кўрага қўшилган. Эркаги эса бу ёшда сўйилмаган, чунки “ишшак қўчқор”ни гўшти тарози босмайди, деб келгуси йилгача боқиб, бозорга солиш ёки сўйиб олиш режа қилинган. Қўйларнинг тўрт йиллиги “навчари”, беш йиллигини “панж”, олти йиллигини “манг”, етти йиллигини “чанг” деб атаганлар. Боласи йўқ қўйлар “марри”, боласини ўстириш учун қолдирилганлари қўзили қўй, соғлом бўлиб бола бериш қобилятига эга бўлган қўйларни “совлуқ”, касалроқ қўйларни эса “қирри” деб ҳам атаганла [3: Дала тадқиқотлари: 1940]. Хуллас, чўпонлар қўй-қўзиларни “тўхли”, “шишак”, “чори”, “панжи”, “манги” [4: Дала тадқиқотлари: 1956] каби турли номлар билан атаб келганлар.

Қўй ёшини тишига қараб аниқлашган, қўй “шишак” бўлгунча қўзи тишлари жойида турган. Шишакка чиққандан кейин ўртадаги иккита тиши тушиб, ўрnidан катта тишлар ўсиб чиққан, чори (тўрт)га чиққанда катта тишлари 4 та, панжи (беш ёшли) бўлганда олдидаги барча тишлари катта тишларга айланган. Ота-боболаримизнинг “...қўй харид қилсанг қўзи ол ёки чорига чиққанини ол!”,- деган гапларида ҳам ҳикмат бор. Чунки, қўзининг гўшти мазали, оғирлиги, яъни тош босиши жиҳатидан чори ва панжи қўйлар гўшти билан баробар туради [5: Дала тадқиқотлари: 1975]. Бироқ, қўзи шишакка чиққанда унинг гўшти енгиллашиб кетиб, тош босмаслиги ҳаёт

Тарих ва Жамият илмий журнали

синовларидан ўтган. Шунинг учун ҳам “шишак сўйдинг-пишак сўйдинг”,- деган иборанинг воҳа аҳолиси тилида кўп ишлатилиши бежиз эмас.

Бугунги кунда Жиззах воҳасининг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида асосан қозоқи ва жойдари қўйлар боқилади. Қўй зотлари биологик хусусиятларига кўра ҳар хил зона шароитида яшашга мослашган. Шунга кўра қўйларни боқиш, асраш ва кўпайтиришда ҳар бир зонанинг табиий-иқтисодий ва ҳўжалик хусусиятлари ҳисобга олинган. Қўйларнинг фойдали хусусиятлари яна шундаки, улар тез етилувчан, серпушт ва бўғозлик даври қисқа бўлади [6:130].

Жиззах воҳасида қўйлар зотини асосан жайдари қўйлар ташкил қилади. Улар ҳам думбали қўйлар ҳисобланиб, кўчқорлари 80-90 кг, совлиқлари 60-70 кг. келади. Ҳар галги қирқимда 1,6-2 кг, айрим ҳолларда 2,5 кг.гача жун беради. Гўштининг сифати яхши ва чиқиши ўртача 50-52% атрофида. Жайдари қўйлар анча чидамли бўлганлиги учун кўплаб хонадонларда боқилади ва кўпайтирилади [6:143]. Зомин ва Бахмал турклариди думбали қўйларнинг жайдари ва қозоқи турларидан ташқари, қозоқи ва ҳисори қўй чатишмасидан вужудга келган турлари боқилади. Чўл зоналарида ва Фориш тумани ҳудудларида қўйларнинг араби турлари ҳам боқилган. Қўйлар тана ва думба тузилишига қараб ҳам турлича номланган. Масалан, “капкерт думба”, “ойна думба”, “шалпи думба” турларига бўлинган.

Жиззах воҳаси қўйчивонлари совлиқларга бели ва бўйни узун, “капкерт думба”ли кўчқорларни танлашган. Бир кўчқорни совлиқларга урчитиш учун икки йилдан ортиқ қўйишмайди. Кўп йиллик чўпон Раҳим Бозоров қўйларига “Қашқадарёдан Ҳисори кўчқорларни келтириб қўйларига қўшиши”ни таъкидлайди. Чунки қозоқи қўйлар Ҳисори кўчқорларга қўйилса, олинаётган кўзилар йирик ва соғлом, асосийси бозоргир бўларкан [7: Дала тадқиқотлари: 1983]. Ҳисори қўйларни барча чорвадорлар ҳам қўйларига қўша олмаган. Унинг биринчи сабаби, бу каби кўчқорларнинг кўпчилиги воҳа иқлими ва шароитига мослашиши қийин кечган. Аксарият ҳолларда қўйларга насликка яхши ярамаган ёки касалликка чалиниб вафот этган. Иккинчидан, Ҳисори кўчқорларнинг бели узун ва танаси катта бўлганлиги учун ҳам жайдари қўйларга қўшилгач, туғиш вақтида кўпчилик қўйлар нобуд бўлган. Учинчидан, нархининг қимматлиги. Воҳа чорвадорлари совлиқларга яхши кўчқор қўйилиши наслнинг сара бўлиши гарови эканлигини яхши тушунганлар.

Қўй турларини кўпайтириш, зотдор наслларни сақлаб қолиш ва уни ривожлантириш аجدодларимиздан катта меҳнат, сабр-тоқат, чорвачилик анъаналарига ҳамда қонун-қоидаларига амал қилишни талаб этган. Насл олиш учун мўлжалланган кўчқорлар ажратилиб олинган ҳолда ангарларда боқилган,

Тарих ва Жамият илмий журнали

Ўз навбатида қўйлар ҳам яхши озиклантирилиб тайёрлаб борилган. Алоҳида боқилган қўчқорлар октябр ойларида қўйларга қўшдирилган. Қўчқорларнинг қўйлар орасида бўлиши 1 октябрдан ноябргача давом этган. Танлаб олинган зотдор қўчқорлар тоғ зоналарида 1-10 октябр оралиғида совлиқларга қўйилган, урчитиш мавсуми 40 кун давом этгани, тўл олиш мавсуми март ойига мўлжалланган, чўл зоналарида эса урчитиш ишлари август ойининг 15-25 ларида, декабр ойи охири ва январ ойи биринчи ярмида эса тўл олишган [8:195]. Яхши парваришланган қўйлар йилда икки марта қўзилаган ҳолатлари ҳам кўп кузатилган.

Қўй сурувларининг $\frac{1}{4}$ қисмини эчкилар ташкил этиб, улар гўшти, сути ҳамда туёқ сони учун боқилган. Чунки, эчкилар бир йилда икки мартагача улоқлаган, говмиш эчкилар 2 литргача сут берган. Эчки ниҳоятда шўх жонивор бўлганлиги учун айрим ҳолларда ўзини ўзи эмиб қўйиш ҳолатлари ҳам учрайди. Эчки ҳам жинси ва ёшига қараб номланган. Янги туғилган эчки боласи “қизил улоқ”, кейин эса “улоқ” дейилган. Агар улоқ эркак бўлса “такача”, сўнг “така” деб аталган. Урғочи улоқни “жалпиллоқ”, кейинроқ улғайгач эса “жалпин” дейишади. Агар жалпин туғса “чибич эчки”, сўнгра эчки дейишади. Така улоқлар кўпинча ёшлигидаёқ бичилган. Улоқнинг бичилгани “серкача улоқ”, сўнгра “серкаш”, “серка” [9: Дала тадқиқотлари: 1963] деб номланган.

Чўпон ва унинг чўлиғи сурувдаги барча қўйларнинг ўхшашлигидан катъий назар, бир-биридан ажратиб ололган, бордию бирорта қўй ёки қўзи отарда бўлмаса уни дарҳол сезган ва фалон қўй йўқ деб, туси (ранги) билан айтиб беролган. Нурота тоғининг жанубий ён бағирларида қирқ йилдан ортиқ чўпонлик қилган Самад Ачилов мингтагача қўйларни бир-биридан бехато ажрата олган, чўпонни бу борада бир неча бор синаб кўришганларида ҳам отардаги йўқолган қўйларни аниқ тасвишлаб айтиб беролган [10: Дала тадқиқотлари: 1943].

Одатда, чўпонлар учун қадимдан февралнинг охири, март ойининг бошлари тўл мавсуми ҳисобланган. Чорвадорлар тўл тушиш олдидан қўзилатишни яхши ўтказиш учун қўйларга махсус жойлар белгилаган. Чўпонлар бу вақтда яйловларга катта эътибор бериб, совлиқларни қорли, музлаган ерларда қолдирмаганлар. Бўғоз совлиқ қўйлар кўп ётқизилмаган, чунки кўп ётқизиш уларнинг озуқа ҳазм бўлишини қийинлаштирган, баъзида зах ўтишига сабаб бўлган. Натижада боласи яхши етилмай қолган. Шунинг учун қўйлар кечаси ҳам тез-тез ўрнидан турғизиб ҳаракатлантириб турилган. Қўйларни оч қолдирмасликка ҳаракат қилишган, чунки оч қолган қўйларнинг муз, қор ёки қиров еб қўйса бола ташлаб қўйиш эҳтимоли катта бўлган. Буни билган чўпонлар баъзида ярим кечаси ҳам уларни далада боқиб келишган.

Тарих ва Жамият илмий журнали

Воҳа чорвадорлари туғадиган қўйларни узоқ ерга ҳайдаб чарчатиш, кийнаш ва қўрқитиш (бирор нарсадан ҳуркиб қочиши) ёки қўйхонадан ҳайдаб чиқишда қўйлар орасидаги сиқилиш уларга катта зиён етказди деб ҳисоблаганлар. Шунинг учун ҳам улар қўйларни мумкин қадар эҳтиётлик билан боқишган, акс ҳолда бўғоз қўйлар бола ташлаши мумкинлигини тажрибадан билишган. Чўпонлар ота-боболаридан ўзлаштирган тажриба ва анъаналарга риоя қилиб қўйларни меъёрида озиклантирганлар. Тукқан қўйлар алоҳида олиб парваришланган ва уларга қўшимча ем-хашак берилган. Қўйчивонлар учун ҳар бир қўзини онасига ўргатиш ва уларни гуруҳларга ажратиш ҳам муҳим тадбир бўлган. Қўзилаган қўйлар 5 кундан 10 кунгача, айрим вақтлари агар об-ҳаво ёмон келса, ундан ҳам кўпроқ вақт қўтон атрофида ўтлатилган. Чўпонлар қўйларнинг тўллаши даврида ниҳоятда сезгир бўлганлар ва назоратни янада кучайтирганлар. Янги туғилган қўзичок, совук кунлари онасидан озиклантирилганидан сўнг иссиқ жойга олинган, махсус хоналарда сақланган. Қўзилар махсус хоналарга олинганида қўйлар яхши озикланган ва қўзини тўйдириш учун етарлича сут тўплашган. Қўзили қўйлар ўз эгалари турган жойдан узоқда ўтлатилмаган. Қўзилатиш мавсуми тугаши биланоқ чўпонлар қўй ва қўзиларнинг парваришига катта эътибор берганлар. Қўзиларнинг ўсишига қараб улар боқиладиган чегара масофаси ҳам кенгайиб борган. Чўпонлар кўкламдан бошлаб ушоқ моллар (қўй ва эчкилар)ни яйловга ҳайдаб бошлаганлар.

Таъкидлаган бўлардик, Жиззах воҳасида қўйларни қишда қўшимча озиклантиришда фарқ мавжуд. Нурота тоғининг жанубий ёнбағирларида яшовчи чорвадорлар қўйларини кўпроқ буғдой билан озиклантирганлар. Жиззах ва Зомин чорвадорлари эса бошқа ҳудудлардагидан фарқли равишда қўйларга асосан арпа берганлар. Зоминлик чорвадорларни таъкидлашича, буғдой қўйларга иссиқлик қилар экан [11: Дала тадқиқотлари: 1951]. Мабодо қишги яйловлар яхши бўлмай, баҳорда ўсимликлар кечикиб чиқса, совлиқларга қўшимча ем бериш давом эттирилган.

Қишнинг узоқ чўзилиши ва унинг тўл мавсуми билан боғланиб кетиши чўпонлар учун оғир кечган. Бу давр эрта кўкламда, яъни февралдан то мартнинг ўрталаригача бўлиб, улар тилида энг серташвиш давр “қора қилтинг” дейилган ва чорвадорлар учун синов даври ҳисобланган. Шунинг учун чорвадор аҳоли орасида “Яхши келса хут, қозон қозон сут, ёмон келса хут, террайиб ётган пут”, деган мақол кенг ёйилган. Баҳорда майса ўтлар эндигина ўса бошлаган ёки совук таъсиридан уларнинг ўсиши тўхтаб қолган пайтларда, қўйларнинг “кўк қувиш” даври бошланган. Бу ой жуда масъулиятли бўлиб, қўйларнинг ичўтма касаллигига чалиниши натижасида баъзида уларнинг ёппасига ориқлаши ва касалланиши кузатилган. Сабаби,

Тарих ва Жамият илмий журнали

кўкка оғзи теккан қўйлар қуруқ ўтти емайди, майсага эса тўймайди. Майса ўтлар эса ҳали ширага тўлмаганидан қўйларни ичини суриб юборган. Қўйлар “кўкичак” касалига дучор бўлган, бу касаллик эса уларнинг офати ҳисобланади. Ана шундай нозик пайтда қўйларни тўқ тутиш чўпонлардан катта маҳорат талаб қилган. Бундай паллада қўйларга бериладиган ем миқдори кўпайтирилган. Бу қийинчиликларни енгиш учун чўпон қўйларни кўпроқ кечаси боққан ва уларни ўтлатиш эрталабгача давом этган, чунки бу даврда совлиқ кечаси қанчалик кўп юрғизилса, ҳаракат қилса шунча бақувват бўлишини тушунганлар. Бунинг сабаби эса кечаси нам тушиб, хасни юмшатган. Қўйлар эса кўк майсанинг ҳиди билан ўтган йилдан қолган қуруқ ўтларни ҳам истеъмол қилаверган [12: Дала тадқиқотлари: 1940]. Кечаси қўйларнинг боқилишини яна бир сабаби, эрталаб шудринг тушганда оч қўйларни кўкка қўйиш жуда ҳам хавфли ҳисобланиб, уларнинг тез касаликка чалиниш ҳолатлари кўп кузатилган. Натижада қўйлар ушбу масъулиятли даврдан омон-эсон чиқарилган. Қўзилар онасининг сутига тўйган, натижада улар тез катта бўла бошлаган. Қўйларнинг ҳам турли касалликларга чалиниши содир бўлмаган.

Кечаси боқилган қўйлар ёйилмаган қўйларга қараганда семизроқ бўлган ва қишдан талофатсиз чиқиб яхши тўл берган. Аксарият ҳолларда кечаси боқилган қўйлар йилда икки марта кўзи берган. Шу билан бирга чўпонлар қўйларни фойдасиз, ёқимсиз ва зарар етказадиган, ичини дамлатиб юборадиган ўтлар ва ўсимликлардан ҳимоялаганлар, иложи борича бундай зарарли ўтлар ва ўсимликлар ўсадиган жойларга ҳайдамаганлар. Бундай ўтларга қилгин (қўйнинг кўзини кўр қилган), хом ўт (қўйларни ичини дамлатган), какра (аччиқ ўт бўлиб, заҳарловчи), читр (қорнини дамлатиб, ўлдирган).

Тадибиотчи олим Т.Одиловнинг “Чорвадорга маслаҳат” [13: 3-20.] китобида сассиклаф (кониум макуллатум), аччиқмия ва оқмия (гоебелия пахикарпа), мингбош (конвовулус субхирзутус), санграйқулоқ (мерендера робуста), қилтиқ (таениатерум кринитум), рангўт (синапис арвеизис), қашқарбеда (мелилотус албус), қизилпойча (хипеикум перфоратум) каби ўтларнинг чорва учун зарарли томонлари кўплиги баён қилинган. Бу ўтларнинг Ўрта Осиёда, қолаверса биз тадқиқ қилаётган ҳудудда ҳам кўплаб учрашини маълумот ўрнида мисол келтириб ўтдик.

Воҳа чорвадорлари қўшимча озиқ-овқат жамғариш учун асосан эчкиларни соғишган. Эчкиларни соғиб олиш учун эчкилар қатор қилиб, бўйнидан тасма ўтказиб-қўганлаб қўйилган. Қўган 5-6 метр узунликда бўлиб, уларнинг 30 тагача бурчоғи (қўганбови) бўлган ва эчкиларнинг бўйнидан ўтказиб қўйилган. Болалари эса алоҳида қамалган. Эчкиларни соғишда уларни

Тарих ва Жамият илмий журнали

елинига уриб-уриб, ийдириб соғишган. Эчкилар эрталаб ва кечқурунлари соғилган. Қўйларнинг боласи тез катта бўлиши хўжаликка фойда келтириши назарда тутилиб, улар камдан-кам ҳолларда соғилган. Чорвадорлар баъзида боласи нобуд бўлган қўйларни ҳам соғишган.

Тўл олиб бўлинганидан сўнг эркак қўзилар орасидан қўчқорга қолдириладиганлари танлаб олиниб, эркак улоқлар ва қолган қўзиларни 10-15 кунлигида бичиб, яъни ахталаб ташлаганлар. Ахталанган улоқлар яхши семирган, 4-5 ёшга етган серкалар 30-40 кг.гача гўшт қилган. Бичилган қўзилар ҳам яхши семирган ва улар ўстириб-парваришlashга қолдирилиб, панжи ёшга етгандан кейингина сотилган ёки гўшт қилинган. Ахталанган ушоқ моллар тез етилган ва гўшт мойи поримли (ёқимли) бўлган.

Чорвадорлар қўй сурувлари тарқалиб кетишининг олдини олиш ва уларни турли йиртқич ҳайвонлардан ҳимоялаш учун ёзда ва қишда махсус жойлар қилиб, ёзги қўй сурувлари учун турли тиканли буталардан, шох-шаббалардан қўтон тайёрлашган. Қўйлар қўтонларга асосан кечки пайт олиб келинган. Ёзги қўтонлар панасида қўйлар шамол ва иссиқдан сақланган. Қишки қўтонлар эса тамомила бошқа усулда қурилган. Зомин тоғ орти қишлоқлари яйловларида қўтонлар от тақаси шаклида, орқа томони 1 метр, олди томони 2 метр, айланаси узунлиги 50-60 метрни, ичи қўтон марказигача 12-20 метрни ташкил қилган. Қўтонлар асосан сурувга боғлиқ ҳолда қурилган.

Қўй боқишда чўпонга энг яқин ёрдамчи ит бўлган. Чўпонлар кўпинча иккита ит сақлаган. Бири кўппак (эркак), бири қанжик (урғочи) ит сақлашган. Чўпон итлари ёшлигидан қўй сурувлари билан бирга юриб, сурувни қайтариб боқишда, уларни йиртқич ҳайвонлардан (бўрилардан) ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнаган. Чўпонларнинг миниши ва бошқа керакли нарсаларини олиб юриши учун эшаги ёки оти (чўбир) бўлган. Чўпон яйловда ўзига ўзи овқат пиширгани учун доимо ёнида коса, пиёла, қошиқ олиб юрган. Ушбу анжомлар солиб юриладиган нарсани чармдан ясаганлар, унинг узунлиги ярим метр бўлиб, уни чўпон тақиб юрган. Уни гудар ёки гидар деб аташган. Жиззахликлар гударни кўпинча Самарқанд ёки Бухоро шаҳарларидан сотиб олганлар.

Қўйларни боқишда сурувни бошлаб юрадиган серкаларнинг ўрни ва роли ниҳоятда катта бўлган. Ҳар бир отарда 3-4 та серка бўлиб, улар қаёққа юрса, қўйлар кетидан эргашган. Чўпонлар қор-ёмғир ёки туманли ҳавода ёки кечаси топиб олиш мақсадида серкаларнинг бўйнига қўнғироқ тақиб қўйганлар. Қўйларнинг қаерда ўтлаб юганини шу қўнғироқнинг овозидан билганлар. Баъзида бошқа отарга қўшилиб кетган қўй-эчкилар ҳам қўнғироқ овозидан ўзининг подасини топиб олган.

Тарих ва Жамият илмий журнали

XVIII асрнинг иккинчи ярми-XX аср бошларида Сурхон воҳаси хўжалиги бўйича изланишлар олиб борган Э. Қобуловнинг тадқиқотларида, қўй сурувларини боқишда чўпонга ёрдам берадиган “нончи қўйлар” ҳақида маълумот берилган [8:205].

Тадқиқотларимиз давомида Нурота тоғи ёнбағирларида кўп йиллар чўпонлик қилган қўйчивонлар орасида бу анъана борлигига гувоҳ бўлдик. Моҳир чўпон Бойли Кустаубаевнинг айтишича, воҳада ҳам “нончи қўй” асосан урғочи, ювош қўйлар ичидан танлаб олинган ва чўпон уларга нон бериб ўзига ўргатиб олган [14: Дала тадқиқотлари: 1967]. Сурув кўтонга қайтмаган пайтларда, яъни дала-даштда қолган вақтда қўй суруви ётқизилгач, чарчаган чўпон дам олган. Қўйларнинг кўтони йўқлиги сабабли улар хоҳлаган пайтда кўзғалиб, туриб кетиши мумкин эди. Дам олаётган чўпон ўзини бежавотир ҳис этиши учун “нончи қўй”га ип боғлаб, ипнинг бир томонини оёғига ёки қўлига боғлаб ётган. “Нончи қўй” боғланган ипнинг тортилиши орқали чўпон қўй суруви кўзғалганидан хабар топган.

Шундай қилиб, воҳада кенг яйловлар, турли озуқага бой тоғ ва тоғ олди худудларнинг борлиги чорвачилик, хусусан қўй ва эчкичилик ривожига кенг имкон берган. Воҳа чўпонлари томонидан қўй наслини кўпайтириш ва парваришlash тажрибалари борасида ўзига хос мактаб яратилган. Бу анъаналар қўй жуни ва ёғига бўлган талабни қондиришда муҳим ўрин тутган [8:206]. Кўтон ҳамда оғилхоналарни кана ва турли хил зарарли ҳашоратлардан сақлашнинг яна бир йўли бу ерга ундов ўсимлигини тутатиш бўлган. Бунинг учун чорвадор чорбоғидаги хашакларни ўриб йиғиштираётган ёки ҳовлисидаги ўтларни ўраётган пайтда ундовни атай ўрмасдан қолдирган. Ундов пишганидан кейингина йиғиб олиниб, хона эшиклари ёпилиб, ёқиб тутатилган.

Хулоса қилиб айтганда, Жиззах воҳасининг тоғ олди худудлари, Мирзачўл ва Қизилқумга туташ чўл ва адирликларда хўжаликнинг асосини чорвачилик ташкил этган, чорвадорлар хўжалигида деҳқончилик катта аҳамият касб этмаган. Қадимдан Морғузар тоғларининг шимолий ёнбағирларидаги Сангзор, Зоминсув, Ровотсой, Бешбулоқсой ва Хўжамушкентсой дарё водийлари ва Нурота тоғи ёнбағирларида чорвачилик тараққий этиб, анъанавий чорвачилик юқори товарлилик характерида сақланиб қолган. Чорвадорлар хўжалигида қўйчилик алоҳида аҳамият касб этишининг сабаби, иссиқ иқлимли бу дашт минтақаларда қўйни кўпайтириш учун барча шароитлар илгаридан мавжуд бўлган. Юқорида келтириб ўтилган далиллар фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Тарих ва Жамият илмий журнали

Фойдаланилган адабиётлар

1. Вирский Н. М. Очерк Яны-Курганской волости Джизакского уезда Самаркандской области / Справочная книжка Самаркандской области. Выпуск X. – Самарканд, 1912. – С. 25-26-27.
2. Базарбаев А. Жиззах воҳасида яйловлардан фойдаланиш масаласи (XIX аср охири – XX аср бошлари). “Уструшона Буюк ипак йўлида, унинг минтақалараро сиёсий – иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни (антик ва ўрта асрлар даврида)”. Гулистон, 2016. – Б. 57.
3. Дала тадқиқотлари: Жумашов Аббор, 1940 йилда туғилган, Фориш тумани, Ҳасан ота қишлоғи.
4. Дала тадқиқотлари: Тожиев Куроқбой, 1956 йилда туғилган. Ғаллаорол тумани, Оқтаёқ қишлоғи.
5. Дала тадқиқотлари: Қаххоров Қилич, 1975 йилда туғилган, Ш. Рашидов тумани, Желли-ғулли қишлоғи.
6. Икромов Т. Х. Чорвачилик асослари (дарслик). Т.: “Ўқитувчи”, 1996. -Б. 130-143.
7. Дала ёзувлари: Рахим Бозоров, 1983 йил туғилган. Пахтакор тумани, Самарқан МФЙ.
8. Э. Қобулов. XVIII асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Сурхон воҳаси хўжалиги. Т.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дисс. Термиз – 2014. –Б. 195-205-206.
9. Дала ёзувлари: Мусинов Фахриддин, 1963 йил туғилган, Ғаллаорол тумани, Саврук МФЙ.
10. Дала ёзувлари: Самат Ачилов, 1943 йил туғилган. Пахтакор тумани, Самарқанд МФЙ.
11. Дала ёзувлари: Абдулла Пардаев, 1951 йил туғилган. Зомин тумани, Жалойир қишлоғи.
12. Дала ёзувлари: Тўғон Бозоров, 1940 йил туғилган. Пахтакор тумани, Самарқан МФЙ.
13. Одилов. Т. Чорвадорга маслаҳат. Ўзбекистон нашриёти. Тошкент.: 1972. –Б 3-20.
14. Дала тадқиқотлари: Бойли Кустаубаев, 1967 йил туғилган. Фориш тумани Омонгелди қишлоғи.